

ТАБИАТ ВА ИНСОН

№ 4 (76) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

Мирзо Улуғбек тумани
Тошкент шаҳрининг йирик туманларидан ҳисобланади. Унинг умумий майдони 3188,5 гектарни, кўкаламзорлаштирилган майдони 757,4 гектарни, ирригация тармоқларининг узунлиги эса 225 километрни ташкил этади.

Туманда 30 та саноат корхоналари ва 600 га яқин ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи кичик ва хусусий корхоналар мавжуд. 1997 йил табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан ҳамма саноат корхоналарида ва 50 га яқин кичик корхоналар текширилиб, 800 та бажарилиши шарт бўлган кўрсаткичлар берилди. Экологик қонунларни бузганлиги учун 41 мансабдор шахсларга ва 27 фуқарога 62100 сўм миқдорда жарима солинди. 3 та корхонанинг иш фаолияти тўхтатилди. Тўхтатилган корхоналар экологик қонун талаблари жавоб берадиган тадбирларни бажарганларидан кейингина иш фаолиятини юргизиш учун рухсат этилди.

Жорий йилнинг 1 апрелига ҳалат нозоратчиларимиз томонидан 21 корхона текширилиб 14 та мансабдор шахсларга ва 5 фуқарога 16500 сўм миқдорда жарима солинди.

Атмосфера ҳавосига зарарли моддалар чиқариш учун рухсатномалари ва рухсат этилган миқдор ҳужжатлари йўқ корхоналар орасида «Мелиокурилишмаш» ҳиссасдорлик жамияти, «Эталон» ишлаб чиқариш корхонаси, «Орзу», «Жайрон», «Универсам», «Металлопласт» кичик корхоналари, «Кварцсамоцвет» ишлаб чиқариш корхонаси, Соғлиқни сақлаш бошқармаси автосаройи, «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссасдорлик жамияти, «Красновосточное» депреси бор.

Тумандаги 21 корхонада артезиан қудуғи бўлиб, қуйидаги корхоналарнинг сувдан махсус фойдаланиш учун рухсатномалари йўқ; 8-

автосарой, «Зафар Диёр», «Боғи Эрам» истироҳат боғлари, Училишлар кимёси, Электроника институтлари, «Тошавтоматика» заводи, «СаниИРИ» ҳамда «Сувлойиха» институтлари қарашли автосарой. Экологик тўловларни вақтида тўламаган қарздор корхоналари ҳам тилга олиб ўтамиз: улар «Ўзбеккабель» давлат ҳиссасдорлик жамияти — 22588 сўм; «Мелиокурилишмаш» — ҳиссасдорлик жамияти — 7638 сўм, «Эталон» ишлаб чиқариш

Туманларда

ЯХШИЛИККА ЮЗ БУРИБ

корхонаси — 49 сўм, «ТТЗ» давлат ҳиссасдорлик жамияти — 51130 сўм.

Очик сув ҳавзаларига оқова сув ташлайдиган учта («ТТЗ» ДАЖ, Тошкент иссиқлик ишлаб чиқариш маркази ва «Мелиокурилишмаш» корхоналари) — мавжуд.

1997 йил туман корхоналари томонидан 40 та 10,4 миллион сўмга мўлжалланган бажарилиши шарт бўлган режа ва тадбирлар ишлаб чиқилган эди. Бу режаларнинг факатгина 23 таси бажарилди. Бир неча йиллардан бери «Химэкс» фирмаси «Ўзбеккабель» ДАЖнинг араштириш иншоотини лойиҳалаш ва қуриб фойдаланишга топшириш бўйича режани бажармай келмоқда. Бу корхонада маблағ йўқлиги сабабли автомобиль ювиш учун «Кристалл» иншоотида айланма сув тизими ишга туширилмаётди.

Бу йилда туман корхоналарида ўтказилиши лозим бўлган табиатни муҳофаза қилишга доир 41,2 миллион сўмлик 60 та тадбир ишлаб чиқилди. Режа ва тадбирлар табиатни муҳофаза қилиш шаҳар қўмитаси томонидан тасдиқланди.

Мирзо Улуғбек туманида 50 та маҳалла, коммунал-фойдаланиш

бошқармасига қарашли 9 та ижара корхоналари мавжуд. Ҳамма маҳаллалар 4 та ўрамга бўлинган. Туман ҳокимлиги раҳбарлари шу ўрамлар бўйича раҳбарлик қиладилар. Туманда санитария ҳолатини ҳамда ободонлаштиришни талаб даражасига келтириш, тозалаш ишларини мунтазам ташкил ва назорат қилиш комиссияси штаби тузилди.

Туман ҳудудидан Қорасув ва Салор каналлари оқиб ўтади. Қорасув канали «Тошкент трактор заводи» ичидан ўтади. Завод ташқирисида каналнинг устига «Дилмурод» фирмасига қарашли ошхона, ўнг қирғоққа сув муҳофазаси зонасига ёзғи ошхона ва қаҳвахона қурилган. Кўпгина хусусий корхоналар, коммунал-фойдаланиш бошқармасига қарашли иморатлар, фуқаролар томонидан тикланган қўйхона, товуқхоналар борки, улар атроф-муҳит муҳофазасига мутлақо зиддир.

Салор канали эса «Ўзбеккабель» ДАЖ орқали оқиб келади. Бу канал бўйларида ҳам бир неча корхоналар, шахсий уйлар, автосаройлар жойлашган. Яна Тўртариқ, Дархон, Оққўрғон, Юзариқ сингари канал ва ариқлар борки, улар ҳар йили 2 марта — баҳор ва куз ойларида тозаланади, қавланади. Санитария-эпидемиология станциялари, санитария миллияси билан ҳамкорликда домий рейдлар ўтказилади.

Батафсил ҳикоямиздан мақсад — туман ҳудудидagi табиий аҳвол ҳақида тўла маълумот беришдир. Туманда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ботида изчил ҳаракат қилинган. Қўмитамиз томонидан берилган ҳар бир тадбир ўз вақтида амалга ошириш учун ҳаракат қилинмоқда. Уйлаймизки, натижа борган сари кутганимиздек яхшилик сари юз буриб бораверади.

Дилдора СУЛТОНОВА,
Исмоил ШАМСИМУХАММADOV,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назоратчилари.

Атроф-муҳит муҳофазаси, табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш — иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга юз тутган мамлакатимизнинг энг муҳим йўналишларидан биридир.

Маъмурий-буйруқбозлик йилларида — Ўзбекистоннинг ривожланиши марказ томонидан белгиланган, атроф-муҳит муҳофазаси деярли эътиборга олинмаган ҳолда олиб борилди.

Бундай тизим охир-оқир баъда ўзининг оғир ниҳоясини кўрсатди. Мустақилликка эришганимиздан кейин, юртимиз бозор иқтисодиётига ўта бошлаб экологик-иқтисодий муносабатларга янги ҳаётини берди.

Шунинг учун ҳам табиат муҳофазаси муаммоларини ҳал этиш, табиий неъматлардан тежаб-тергаб фойдаланиш, юзага келган экологик вазиятни ҳисобга олган ҳолда атроф-муҳит ҳимоясига имкон бори-ча самарали услубларни топиш ва қўллаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Экологик муаммоларни ҳал этишнинг иқтисодий режалари низоҳатда қилиниб, ўзга омишлар билан бир қаторда хом ашёлардан оқилона фойдаланишда, атроф-муҳит ҳимоясига, кам чиқитиш ва чиқитиш соф экологик технологияларни амалга оширишда самара бериши керак.

Ўзбекистон Республикасининг «Табиат муҳофазаси тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ушбу механизм табиий ресурслардан махсус фойдаланишда ҳамда атроф-муҳитни ифлослантирғани учун, чиқиндиларни жойлаштиришда ҳам тўлашга низоҳат қилиниб, бу йўлда республикамизда илк қадамлар ташланди. Иқтисодий механизмни босқичма-босқичлигини ҳисобга олиб, ҳақ тўлашда Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 29 июндаги 303-рақамли қарорига амал қилинади.

Қарорда таъкидланадики, биринчи босқичда чиқиндиларни жойлаштиришда, ҳавога

Ушбу мақсадларни амалга оширишдаги йўналишлардан бири республикамизда табиий ресурслардан ҳақ тўлаб фойдаланиш

зарарли моддалар чиқаришда, оқавалар, ишлатилган сувларни ташлашда меъёридан ошгани учун, иккинчи босқичда эса уларнинг умумий миқдори учун ҳақ олиниди.

Ушбу механизмдан кўзда тутилган асосий мақсад нима? «Ифлос қилдингми — ҳақини тўла», «Олдингми — ҳақини тўла» қоида-

сини амалда жорий этишдир. Ўзбекистонда 1992 йилдан бошлаб белгиланган меъёрдан ошган чиқиндилар учун ҳақ тўлаш жорий этилган, уларнинг миқдори белгиланган, маҳаллий ва марказий экологик жамғармалар тузилган эди. Бу ўз навбатида атроф-муҳитни муҳофаза қилишда, табиий ресурслардан фойдаланишда янги иқтисодий муносабатларнинг бошланишига асос бўлган эди.

Шу кеча-кундузда Тошкентда 60 га яқин корхона атмосферани меъёридан ортиқ даражада ифлослантирмоқда. Улардан юқорида тилга олинган ҳужжатларга асосланб ҳақ олиноқда. Ўтган 1997 йилда корхоналардан экология жамғармасига бир миллион сўмдан ортиқ маблағ ўтказилди. Лекин

айрим корхоналар турли баҳона сабаблар билан ўз қарзларини вақтида тўламайптилар. Шу тариқа ўтган йилги ундирилмаган қарзлар 300000 миң сўмдан ошиб кетди. 1998 йилнинг биринчи чораги ҳам қўйилса у 500 миң сўмга етиб қолади. Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси қарзларни ўз вақтида тўлаш муҳимлигини яна бир бор эслатади. Акс ҳолда ҳар бир корхона ҳақидаги материаллар ҳўжалик судига оширилади.

Ишлаб чиқариш омишларини атроф-муҳит муҳофазасига мослаштирган чет эл мамлакатлари тажрибаларини ўрганиб, республикамизда ҳам чиқиндиларни меъёрлаштиришга жиддий эътибор берилмоқда. Бундан ташқари ҳақ тўлашдаги иккинчи босқичга ўтиш ҳам узоқ эмас. Жаримани, ҳақни сира оғринмай тўлаш керак деб ўйлайман. Чунки барча маблағ айнан табиат муҳофазаси ботида тадбирларни амалга оширишга сарфланади.

Хулоса қилиб айтганда табиатни асраш давр талаб эканини унутмайлик. Бинобарин, табиатни алдаш — келажагимизни барбод қилишдир.

Галина АМИРОВА,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси меъёрлаш бўлимининг бошлиғи.

Муносабат

ИПК ҚАДАМ



Табиат — эҳсонга қон. Ундан инсон меҳру муруватини аямаса, табиат ҳам ўз саховатини намойиш этаверади.

Рашид Галиев оған сурат.

«Шаҳарнинг яшил белбоғи» мақоласи эълон қилингандан кейин тахриратимизга кўпмактублар келимқда. Хат муаллифлари Тошкент азиямни кўкаламзорлаштириш, уни «яшил шаҳарга айлантириш» ҳозир ҳар қачонгидан муҳимлигини, бу хайрли ишни пайсалга солимай қилиши зарурлигини изҳор этмоқдалар. Қуйида ушбу хатларда битилган дил сўзларини ўқисиз.

НОМПАРИДА АКС ЭТСИН

Абдулҳак ота МИРЗААХМЕДОВ,
«Чимбой» маҳалласи фуқароси, меҳнат фахрийси:

— Гапнинг индаллосини айтиб қўя қолай: кўчат экиб, боғ яратиш бизга ота мерос бўлиб қолган. Савдогар қарвон билан йўлга чиққанда ўн тул қўчат эккан. «Олис сафарга кетяпман, нима гап, нима сўз, мендан ёдгорлик бўлсин» деганда. Қайтиб келганида эса яна эсон эканлиги шукронасига кўчат эккан. Яхши бир удумимиз бўларди: ўғил туғилса терак, тол, киз туғилса мевали кўчатлар, туллар экиларди. Ҳозир бу удумимизга амал қилаётганларни кўрайман.

Мақолада яхши гап айтилган. Шаҳарнинг чини билан озода, баҳаво бўлиши дов-даракларнинг қўпчилигига боғлиқ. Кейин яна бир гап: кейинги йилларда дарахлар аёвсиз кесилмоқда. Иморатлар лойиҳасида дастлаб табиатга зиён бермайдиган жойларни мўлжаллаб қилинса, сўз иш бўларди. Чунки қирқилган дарах, пайхон бўлган майсазор кетди, унинг ўрнини қайта тўлдирш мумкин бўладими, йўқми ёлғиз Оллоҳга аён.

Ўзим гувоҳ бўлганларимни айтай: шаҳар атрофида ўзига тўқроқ хоналарнинг таноб-таноб боғи бўларди. Инжиқобод дейсизми, Мингўрик дейсизми, Сабзор дейсизми, Фишқўрик дейсизми, Қулобод дейсизми — эҳ-

қолган бўлса ҳам гайратим бисёр. Ўзим тенгларга бир сўзим бор. Келинлар, фарзандларга бош бўлиб, янги-янги боғларга тамал тоши қўяй деган ном ҳаммамизга керак-ку ахир!

СУВЛАР БЎЙИ ТЕРАҚЗОР

Фотима МИРЗАБОВА,
«Янги Тошкент» маҳалласи фуқароси, уй бекаси:

— Ариқлар бўйида ҳозир бирон тул қўчат кўрмаймиз. Рости шаҳримизда шарқираб сув оқадиган ариқлар ҳам бармоқ билан санарли. Биз яшаб турган жойлар авваллари жамоа ҳўжалиги ҳудуди эди (ҳозир Собир Раҳимов тумани). Бирон ариқ йўқ эдики, унинг соҳилида тол, терак, жийда экилмаган бўлсин. Баҳорда, ёзда улар шунчалар кўркамлик касб этарди. Теракзорларнинг шовулланиш қанчалар ёқимли эди.

Ўзбекистон ҳавоси сал инжиқроқ, Эрталаб ҳаво очик бўлса, кечқурун бўрон туриши ҳеч гап эмас. Дарахлар чанг-тўзонларни ушлаб қоларди. Ҳавони мусаффо сақларди.

«Шаҳримизнинг яшил белбоғи» мақоласида жуда тўғри гаплар кўрилган, муҳим муаммо кўтарилган. Фақатгина Чирчиқ дарёси соҳилида эмас, балки Келес, Бўзсув соҳилларида, Ҳасанбой, Дамариклар оқиб ўтадиган ҳудудларда ҳам шундай яшил белбоғлар барпо этишимиз керак. Яшил белбоғ фақат манзарали дарахлардан иборат бўлмай, мевали дарахлар ҳам эканлар.


Табиат доим биздан эҳсонларини аямай келди. Энди эса биздан эҳсон кутяпти. Ҳар юмушнинг охирини ўйлаб иш қилган халқнинг фарзандларимиз: бугун экилган кўчатлар эртанги кунининг устунлигига айланади.

Ҳар дам ганимат, ҳар кун ганимат. Борини авайлаб, йўғини яраттайлик. Ахир табиат абдий яшаши керак-ку!

Тоҳир ЙЎЛЧИЕВ
ёзиб олди.

«ШАҲАРНИНГ ЯШИЛ БЕЛБОҒИ»

«Тошкент оқшом», 1998 йил 4 апрель



Ҳе уларнинг номи қолди. Ўзини тополмайсиз. Шу боғлар фақат унинг эгасига эмас, бутун маҳаллага хизмат қиларди. Маҳалла аҳли ўша боғларда дам оларди ёзининг жазирамасида. Болаларимизда табиатга меҳр уйғонарди... Ўрикзор деган даҳамиз бор. Бир кунги ўғлим билан бориб келдик. Е қудратингдан, бир тул ўрик йўғ-а. Ахир шу даҳа исми жисмига мос бўлса қани эди! Ешим бир ерга бориб

Яшил белбоғ қанчалар маҳкам бўлса, қалин бўлса, шаҳримизнинг «бели» шунчалар бақувват бўлади. Ўша яшил белбоғларга аҳойиб номлар ҳам топилади. Токи қалган киши қаерга ташриф буюрганини шу номлардан билсин!

«Дарахт эккан кишини Оллоҳ ёрлақайди. Унинг мевасидан биров тотиса, соҳидада ўтирса, унга ўн қарра тангри раҳматлар ёғдиради» дейилади ҳадиси шарифларда. Шу ша-

1-треллейбус депосини кўздан кечирганимизда пайхон қилинган майсазор, дарахт, гулларни қайта барпо этишга мутлақо эътибор берилмагани маълум бўлди. Ишлаб чиқаришнинг бу хилда йўлга қўйилиши атроф-муҳитга жиддий зарар етказиши табиий. Айнан шунинг учун ҳам директор В. Собировнинг 2250 сўм жарима тўлашдан ўзга чораси қолмади.

Худди шундай манзарага «Қизил тонг» очик турдаги ҳиссасдорлик жамиятида ҳам дуч келдикки, бош муҳандис М. Мансуровнинг 2250 сўм жарима тўлашдан бошқа илоҳи қолмади.

«Реле-автоматика» заводида томларни мустаҳкамлаш ишларини олиб бораётган, «Қурилиш-техсервис» шахсий фирмаси қурувчилари битумни очик ҳавода бемалол экиб ишлабдилар. Уларнинг бу ишлари Ўзбекистон Республикаси «Табиат муҳофазаси тўғрисида»ги қонунга хилоф деб топилди. Фирма директори Э. Шмурак ва бригада бошлиғи Э. Ибодовларга жарима солинди. Худди шундай метронинг қурилатган «Лохутий» бекетида ҳам участка бошлиғи А. Соатишев жарима тўлашга мажбур бўлди.

«АПСО-сифат Қурилиш» ташкилотиди ҳам битумни очик ҳавода экишга ишқибозлар кўп экан. Бу ерда ҳам участка бошлиғи А. Бойменов жаримадан жабр кўрди.

10-болалар юкумли касалликлар шифохонасида маиший ва бошқа чиқиндиларни йўқотишга нотўғри йўл тутилгани маълум бўлди. Бош шифокор К. Ҳошимов ўзининг лоқайдлиги учун жазо тортиди: жарима тўлади.

«Ўзавтосозлаш» очик турдаги ҳиссасдорлик жамиятида ҳам чиқиндиларни жўнатиш, жойлаштириш, бартараф этиш борасида табиат муҳофазасига қондаларига, талабларига мутлақо эътибор берилмагани. Бош нурчи Э. Тўлаганов охир-оқибат миңг сўмдан ажралди. Шу тахлитда иш тутган 1-трамвай депосининг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Д. Гончаров ҳам 750 сўм билан «хайрлашди».

«Пойабзал» ҳиссасдорлик жамиятида зарарли ва захарли моддаларни чиқариш учун рухсатнома олинмаган. Атмосфера ҳавосининг булғанишига бефарқ қараб турган жамият раиси И. Югайга 2250 сўм жарима солинди.

«Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради» деб беҳуда айтилмаган. «Орзу» корхонасининг директори А. Полянов ҳам маъмурий жазодан қуруқ қолмади. У ҳам 750 сўм тўлайдиган бўлди.

Ичимлик сувларни тежаш, ер ости сувларини ифлослантирмаслик ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Афсуски кўпгина жойларда бунга мутлақо эътибор берилмапти. Сув — ҳаёт, ҳаётимизни хавф остига қўйишнинг зарурати бормикин, деб ўйлаб қоласан киши. Шунинг учун ҳам:

Таъмирлаш корхонаси ҳудудида АЕКТда теварак-атрофда нефть маҳсулотлари сочилиб ётиши қонун-қоидага мутлақо зидлиги учун ёнилги юзювчи Р. Мухамедов 750 сўм;

«Ўзавтосозлаш» очик турдаги ҳиссасдорлик жамиятидаги қайта қавланган таъмир-текшириш ҳандағиди тупроқ қорамойга обдон тўйин-

ган, ёнилги маҳсулотлари сақлаш участкасида компрессорлардан ёнилгилар оқиб ётгани, сувларга жиддий зарар етказилгани учун техник директор В. Кочеров 2250 сўм;

2519-автоколоннадаги таъмирлаш ҳудуди, зали, текширув ҳандағи нефть маҳсулотларидан ифлосланиб кетган, аккумулятор цехида қимёвий ҳимояланган жиҳозлари йўқлиги учун бошлиқ Б. Бицизов 750 сўм;

«Тошқурилиштранс» ҳиссасдорлик жамиятининг 3-автосаройида сув қувурлар тортилган йўлда камчиликлар борлиғи, айрим ерларда сувлар оқиб ётгани, сувдан ҳўжасизларча фойдаланилаётгани сабабли бош муҳандис У. Убайдуллаев ҳам 750 сўм;

«Нерудник» ҳиссасдорлик жамиятида ПОД-П услубида ишлаётган сувларни ҳисобга олиш учун журнал тутилмагани учун бош муҳандис Р. Сайфуддинов 750 сўм;

«Шарк таронаси» ҳиссасдорлик жамиятида ер ости сув тўпланадиган ҳавза мўлжалдиган тамом ўзгача эканлиғи, сувдан ўзбосимчилик билан фойдаланиш ҳоллари учраб тургани, рухсатноманинг муддати ўтиб кетгани учун бош муҳандис Б. Азимов 750 сўм;

«Эталон» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги ишлатилмайдиган чуқурларга ишлатилган қарбидинг келиб тушишига ўз вақтида барҳам бермагани учун директор А. Тўлаганов 750 сўм жарима тўлайдиган бўлдилар.

Кишини ранжитадиган бундай манзараларни деярли ҳар бир корхонада кўришимиз мумкин. Уларнинг бунчалик илдилаб кетишига сабаб нима? Жавоби битта: лоқайдлик, эртанги кунни ўйламаслик. Санитария қонун-қоидаларини бузиш, табиат муҳофазасига эътиборсизлик — бу вийдонга ҳилоф иш десак хато қилмаган бўламиз. Уйлаймизки бугун керак бўлган табиат, эртага ҳам зарур. Ўсиш яшаш мумкин эмас. Бунга ҳар бир тошкентлик чуқур англаб етади, деб умид қиламиз.

Алишер МУКСИНОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг етакчи мутахассиси.

Комусий билим соҳиб, машҳур аллома, кўплаб ўлмас асарлар муаллифи, хамюртимиз Аҳмад ал-Фарғонийнинг мўътабар номи бутун оламга маълум ва машҳурдир. Қувада туғилиб, Бағдод, Дамашк, Кохирада фаолият кўрсатган бу улуг зот илм-фаннинг ривожланишига жуда улкан ҳисса қўшган. Астрономия, математика, география, геодезияга оид бир неча асарлар ёзган. Унинг, айниқса, астрономия бўйича араб тилида ёзилган «Астрономия асослари» китоби барча илм ахлини қойил қолдирган. Бу асар 1145 ва 1175 йилларда лотин тилига таржима қилинган. Кейинчалик бошқа тилларга ҳам ўтирилган, кўп марта нашр қилинган. Ундан асрлар давомида Европа университетларида астрономиядан асосий дарслик сифатида фойдаланиб келинган. Бу, табиийки, олим номининг янада оммалашуви, жаҳон бўйлаб янграшига сабаб бўлган.

Кези келганда шуни айтиш ўринлики, аллома номи билан боғлиқ жойлар, илм-маърифат масканлари у киши яшаган даврлардаёқ анчагина ташкил этган. Чунинчи, Бағдод ва Дамашк шаҳарларидаги расадхоналарнинг бунёд қилиниши Аҳмад ал-Фарғоний номи билан боғлиқдир. Мазкур расадхоналарнинг қурилишига олим бевосита раҳбарлик қилган, у ерда кузатиш ишлари олиб борган, кўплаб шогирдлар тайёрлаган. А. Фарғоний Мисрда истиқомат қилган пайтларда Нил дарёси сувининг сатҳини ўлчаيدиган махсус асбоб ясаган. Бу сув ўлчаш иншооти ҳозиргача сақланиб, аллома номини авлодлар қалбига жой қилиб турибди.

Донги бутун дунёга таралган Аҳмад ал-Фарғонийнинг машҳур номи ўз юрти Ўзбекистонда, айниқса, гуруҳ ва ифтихор билан тилга олинади. Халқимизнинг

Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги олдидан

АЛЛОМА НОМИ БИЛАН

бу зоти киромга бўлган ҳурмати ва эътиқоди чексиздир. Бугунги кунда буюк олимнинг мўътабар номи ўлкамиздаги энг азиз ва фусункор масканларни беэзб турибди. Қўчалар, маҳаллалар, гузарлар, хибонлар, боғ-майdonлар, билим ўчоқлари, маданият масканлари, ҳўжаликлар унинг номи билан аталмоқда.

Республикамызда, хусусан Фарғона vodiysida аллома номи билан юритилувчи жойлар анчагина. Шуллардан бири Фарғона шаҳридаги Ал-Фарғоний номи билан аталувчи марказий шўхқонадир. Икки томони дов-дарахтлар билан қопланган бу кўча ўзининг гузаллиги ва серфайзлиги билан ажралиб туради. Қўчада бир қатор маданий-маъшиий бинолар қад кўтарган. Талай зиё масканлари, тарбия ўчоқлари, савдо ва тижорат дўконлари ҳам шу кўчадан ўрин олган. Аллома юбилейи муносабати билан мазкур шўхқона янада ободонлашиб, ўзгача тароват, салобат касб этмоқда.

Қадимий Ипак йўлида жойлашган кўча ва ҳамшиша навқирон Кўкон шаҳридаги кўчалардан бири Аҳмад ал-Фарғоний номи билан юритилади, бу ҳам халқимизнинг улуг олимга кўрсатаётган юртимизнинг амалдаги ифодасидир. Шу кўчаларда бу ерда кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Фарғона шаҳридаги Аҳмад ал-Фарғоний номи билан аталувчи истирохат боғи шаҳарнинг энг диққатга сазовор гушаларидан биридир. Анвойи гуллар, мева ва манзарали дарахтлар билан безанган бу фусункор маскан доимо кишилар билан гажум. Бу ерда истирохатчиларнинг маданий дам олишлари учун барча шароитлар муҳай.

Боғда айти кўнларда талайгина бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Боғнинг шимолӣ ва шарқий қисмига салобатли дарвозалар қурилмоқда. Маскан ҳуснига ҳусн қўшмоқ учун қўшимча равишда кичик меъморчилик иншоотлари барпо этилмоқда, фавворалар ўрнатилмоқда.

Бундан ташқари, олимнинг киндик қони тўкилган жой — Қувада Аҳмад ал-Фарғоний номи билан боғлиқ маънавий-маданий мажмуа бунёд қилинмоқда. Юбилей режасига кўра бу ерда Аҳмад Фарғоний музейи ташкил этилади, алломанинг рамзий макбара қад кўтаради. Оталар чойхонаси ва миллий ҳаммом биноси қурилиб, ишга туширилади.

Аҳмад ал-Фарғоний номли марказий кутубхонани вилоятдаги энг намунали зиё масканларидан бири дейиш мумкин. Нурхона минг-минглаб китоб фондига эгаллиги, китобхонлар сонининг кўпчилиги билан киши диққатини ўзига тортиди. Ҳозирда мазкур нурхонада алломанинг илмий меросини ўрганишга бағишланган турли кечалар, анжуманлар, суҳбатлар ўтказилмоқда.

Хуллас, диёримизда Аҳмад ал-Фарғоний номи билан аталган жойлар, масканлар талайгина. Бу номлар халқимизнинг буюк алломага бўлган чексиз ҳурмати, эътиқодини кўрсатиб турибди. Маърифатпарвар бобокалонимиз Аҳмад ал-Фарғонийнинг муборақ номи авлоддан-авлодга ўтиб, асрлар оша яшайди.

Носиржон ОХУНОВ,
Кўкон Давлат педагогика институти
ўзбек тилшунослиги кафедрасининг доценти,
филология фанлари номзоди.

Анжуманлар

ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Тошкент давлат юридик институтида «Оила — жамиятнинг таянчи» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуман Тошкент давлат юридик институти қошидаги ҳуқуқий-маърифат тарғиботи маркази ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги Адлия бошқармаси томонидан ташкил этилди. Унда кўпгина ҳуқуқшунос олимлар, судьялар, шаҳар адвокатлар ҳайъати ва Республика прокуратураси ходимлари иштирок этди. Анжуманда сузга чиққанлар Оила кодексининг умумхалқ муҳокамасига ҳаётий ёндошган ҳолда ўз тақлиф ва истакларини билдиришди.

— Ҳар бир инсон фарзанд сифатида, давлат фуқароси ва шахс сифатида аввало оилада шаклланади, — деди жумладан Тошкент давлат юридик институти қошидаги ҳуқуқий-маърифат тарғиботи маркази директори,

юридик фанлари доктори, профессор Зайниддин Исомов. — Фарзандларимиз оиладаги тарбия жараёнида ўз ота-онасига қанчалик итоаткор бўлса, у давлат қонунларига ҳам шу қадар итоатда бўлади. Жамиятнинг келасудьялар, шаҳар адвокатлар ҳайъати ва Республика прокуратураси ходимлари иштирок этди. Анжуманда сузга чиққанлар Оила кодексининг умумхалқ муҳокамасига ҳаётий ёндошган ҳолда ўз тақлиф ва истакларини билдиришди.

Очил ҲАЗРАТОВ.

— Гулсарахон, сиз тарихчисиз. Сиз ишлаб турган Шарқшунослик институти ана шу тарихнинг хазинаси десак тўғри бўладими?

— Ҳазиналаридан бири дейлик. Чунки яна бошқа даргоҳларда ҳам бор ноёб кўлемлар. Чиндан ҳам институтимызда кўлемлар сақланадиган кутубхона ниҳоятда катта бойлигимиздир. Жамланган кўлемларда ўтмишимизнинг деярли барча жабҳалари қаламга олинган.

— Айниқса, одоб-ахлоқ, оила, тарбия ҳақидаги кўлемлар Оила йилида алоҳида аҳамият касб этади...

— Тўғри айтдингиз. Шундай ноёб кўлемга, тошбосма китоблар борки, улар гузаллигининг, эзулиқнинг мангу чашмасидир. Муаллиф бобокалонларимиз инсон камолоти оила, маҳалла, мактаб билан чамбарчас боғлиқлигини талқин қиладилар.

— Кўпинча, «Фалон халқда оила бундоқ, тарбия бундоқ экан» деган гапларни эшитиб қоламиз.

— Ўзбек халқи яна ҳам кенроқ оладиган бўлса, туркий халқлар одоби, тарбияни бошқалардан қарз олмаган. Шарқона одобимиз, оилавий тарбиямиз асослари ниҳоятда ибратлидир. Барча сабоқлар эса ҳикоят, ривоят, ибратномаларда, табаррук китобларда зикр этилган.

Эшитган бўлсангиз керак, бир ривоятда айтадики, улфатчилликни ёқтирадиган бир йигит чойхонага тақлиф этилибди. Йигит чойхонага кирибди-ю, бир пиёла чой ичмасдан хайр-маъзурни насия қилиб жўнаб қолибди. Улфатлари ортидан чиқиб: «Нима бўлди сенга, оғайни? Танлаган жойимиз ёқмадими?» деб сўрабди. Шунда йигит: «Йўқ, ҳаммаси яхши, ўтиролмаганимнинг боиси у ерда падали бузруқворим бор

— Эртасини ўйламаган одамгина шундай иш қилади.

— Албатта. Қуръони Каримнинг «Исро» сурасида айтилади: «Сенинг парвардигоринг ўзидан бошқа ҳеч кимга ибодат

САДОҚАТ ВА ДИЁНАТ

Тарих фанлари номзоди, Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими Гулсара Остонова билан суҳбат

эканлар» деб жавоб берибди.

Ривоятда бир жаҳон маъно бор. Бизда ота-оналар шундай ҳурмат-эззат қилинган, ҳозир ҳам шундайлигига шубҳам йўқ.

— Оилани вафо қўргони деб аташади...

— Вафо қўргони. Жуда чиройли, топиб айтилган ибора экан. Чиндан ҳам оилада садоқат, вафо ҳукмрон бўлар экан, у муқаддас даргоҳга айланади. Эру-хотиннинг садоқати, оиланинг асрий удумларини пок сақлаши, фарзандларига муҳаббати, фарзандларининг ота-онага иззати фаровонлик, бахт-саодатнинг қалитидир. Ва ақсинача ота-онага беҳурматлик, аёлга хиёнат, фарзандларга ибрат бўлмаслик, гарчи тилда қораланса ҳам, аслида катта жиноятдир.

Болалигимдан бир воқеани айтиб берай. Бир куни кечки маҳал қўшимизнинг уйда кий-чув бўлиб қолди. Болалик-да, ўша ёққа қолдик. Ҳовлида ширинсуз қўшиларишимиз Шафига буви билан Қамбар оталар гурунлашиб турар, буви узун енглари билан кўзларини артар, ота бўлса ҳар ҳўрсинганда «Ҳа, бадбахт-а» деб қўярди. Маълум бўлишича, уларнинг яккаю ягона ўғли ота-онасини, «уйдан чиқиб, опамниқига боринглар, жуда сиқилишиб қолдик» деб турган экан.

— Эртасини ўйламаган одамгина шундай иш қилади.

— Албатта. Қуръони Каримнинг «Исро» сурасида айтилади: «Сенинг парвардигоринг ўзидан бошқа ҳеч кимга ибодат

1998 — Ойла йили

Диплашув

қилмасликка ва ота-онага яхшилик қилишга бўйланган. Сенинг қошигда улардан бири ёки икковлари қарийдилар, сен уларга «уф» ҳам демагин ва уларга каттиқ қарамагин. Доимо яхши сўзларни айт. Икковларига раҳмат қанотингни ёз. Эй парвардигор, булар мени кичкиналимда тарбия қилганларидек, сен ҳам буларга раҳматингни кўрсатгин деб айт».

Кўрдингизми, фарзанд олдида, оилада ота-онанинг мақоми қанчалар улуг, қанчалар юксак!

— Гулсарахон, алломаларимизнинг асарларида ҳам шу каби ибратлар талайгина бор. Келинг, улардан бир нечасини оқшомхонларга ҳавола этайлик...

— Алломаларимизнинг ниҳоятда кўп азиз китобларида ота-она, фарзанд, тарбия, рўзгор тутиш ҳақида талайгина фикрлар мавжуд. Муҳаммад Ҳусайн ёзади: «Бахтиёр бўлишни истасанг қўйидаги хислатларни ўзингда мужассам қил: аввало ота-онанинг ҳақини адо қил, ота-она хўрсандлиги киши учун дунёда катта бахтир».

Ота-она ҳаққи нима? Уларга ош-овқат, кийим-кечак беришими? Ота-она ҳаққи бу — ота-она фарзандга қандай меҳр кўрсатган бўлса, фарзанд ҳам уларга шундай меҳр-муҳаббат кўрсатмоғидир.

Муҳаммад ал-Жомий эса шундай зикр этади: «... Ота-онанинг фарзандларига нисбатан саксонта ҳақи бор. Уларнинг қирқтаси тириклик вақтида ва қолган қирқ-



таси ўлгандан кейин амалга оширилади. Тириклик чоғидаги қирқта ҳақнинг ўнтаси танга, ўнтаси тилга, ўнтаси дилга ва ўнтаси молга тааллуқлидир».

— Барчасини бирма-бир тилга олишга имконимиз етмасов, айтганларингиздан ўнтасини санаб ўтинг...

— «Дилга тааллуқли ўнта нарсаси шундан иборат: уларга раҳм-шафқат билан қара; уларга доимо қўлингдан келганча яхшилик қил; сенинг шодлигинг уларнинг хўрсандчилиги билан бўлсин: улар ҳам тортсалар дардига малҳам бўлиш йўлини қидир; улар ортиқча гапирсалар ўзингга малол олма; танбех берсалар хўрсанд бўл; уларнинг диллари заррача озор топишни ўзингга ор деб бил; уларнинг ниътилари қандай бўлса ўша ниътиларига етишлари учун ҳаракат қил; қанчалар узоқ умр кўрсалар шунчалар қувон; қанча дардли бўлсалар шунчалар қўнглини олишга урин».

Бу сифатларни адо этиш учун қиздир-ўғилдир фарзанд камол-

га етган инсонлар бўлиши керак. Барча яхши фазилатларнинг асоси эса оилада илдиэ отади.

— Оила шунчалар муқаддаски, ота-она шунчалар муқаддаски, уларнинг қадрини оила қургандан кейин, ота-она бўлганимиздан кейин биламиз...

— Ҳақ гапни айтдингиз. Бу йилимизнинг Президентимиз томонидан Оила йили деб эълон қилиниши жамиятимизнинг суянч тоғлари бўлган оилага чексиз эҳтиром белгисидир.

Оилага ҳамма нарсас зарур. Фақат яхши ёб-ичган билан оқил фарзандни камолга етказиш мушкул. Оилага ҳам иқтисодиёт, ҳам ижтимоиёт, ҳам маънавият, ҳам маърифат зарур. Оила яхши фазилатларнинг, эзулиқнинг чашмасидир. Ёшларимиз мана шуни яхши билсалар, ота-боболари каби садоқат ва диёнат билан яшасалар ҳар бир ўтган кўнимиз янада мунаварлашаваради.

Темур УБАЙДУЛЛО

суҳбатлашди.
Рустам Шарипов олган сурат.



Ўзбек театр санъатининг хазинасига яна бир янги асар қўшилди. Аброр Хидоятлов номидаги Ўзбек Давлат драма театри ўз мухлисларига Мели Юсуповнинг «Чеч» номли пьесасини армуғон этди. Ботир Муҳаммадхўжаев ҳамкорлигида сахна юзини кўрган бу асар инсон, оила, меҳр-оқибат муаммоларига бағишланган. Ҳажвий-юмористик йўналишда ишланган томошанинг асосини кучли драматизм ташкил этишининг ўзбек унинг ўзига хослигини, таъсирчанлигини таъмин этади.

... Байрамонга безатилган ўзбек хонадони. Шаҳар ҳовли. Ҳаммаёқ гулга бурканган. Баҳорнинг айни чечакларга тўлган палласи. Ҳовли тўрида, гулларга чўмилиб турган улкан, сершоҳ, бутқалари ҳар томон қанот ёзиб кетган мағрур бир тўп дарахт. Бу дарахт ўзида асарнинг рамзий мазмунини

мужассам этганки, бу нарсаси театр хотимасида ўз ечимини топади. Хонадонга, бугун янги меҳмон — чакалок келган. Асардаги барча воқеалар «Гўдак туғруқхонада алмашиб қолган», деган гумондан бошланади ва Зоҳидовлар ҳамда Воҳидовлар оилалари ўртасидаги моҳоролар билан ривожланиб боради. Воқеалар бу ҳовлига табаррук бир онахон — Чечанинг кириб келиши билан ечим топади. Катта, серавлод бир уруғнинг «чечаси,

тушмасликларни лозим эканликларини англайди.

Спектакль якунида Воҳидов ва Зоҳидовлар бир ака-укаларнинг фарзандлари эканлиги, улар тақдир тақозоси сабаб бўлиб, бир-бирларидан бегоналашиб, узоқлашиб кетганликлари, «Чеч» эса бу уруғнинг энг улуг онахони бўлиб, шу кунгача ўз жигарларини бўзлаб-излаб юргани аниқланади. Асар тили Сурхондарё, Қашқадарё шевадарига бой бўлиб, адабий тил билан уйғунлашган

метов (эр), М. Тўхтаева ва Д. Бобонова (хотин), Н. Тошкентбоева, Ф. Раҳимов, Ш. Узоқова, Г. Паёзиева ва театрининг бир гуруҳ актёрлари ижро этганлар. Спектакль мусиқали асар сифатида саҳналаштирилган. Ҳар бир сахнага мос равишда фольклор ҳамда замонавий куй ва қўшиқлар, ўзбекона турмуш урф-одатлари жамланган. Булар барчаси спектаклда миллий руҳнинг кучайишига хизмат қилган. Саҳналаштирувчи режиссёр

Томошадар

МЕҲР-ОҚИБАТ ТАРАННУМИ

яъни янгаси, келиноийси хонадон эгаларига ўзбекона ахлоқ, сўрашиш одоби, дастурхон одоби, эр-хотинлик, ота-оналик ва фарзандлик бурчларидан сабоқ беради. Қон-қардошлик, қариндош-уруғчиликнинг муқаддаслиги, маънавият ва инсоний қадриятларни уларнинг тошқатган юракларига сингдиради. Барча инсонларнинг бир ота-она фарзандлари, бир улкан дарахт бутқалари эканликларини, шул сабаб меҳр-муҳаббатдан айро

ҳолда Ўзбекистоннинг катта бир оила, биз барчамиз бу оила ўғли-қизлари эканлигини эслатиб туради.

Асарни театрининг бош режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев раҳбарлигида Салим Қорабоев саҳналаштирган. Бастакор — Ф. Алимов, қўшиқ матнлари — Х. Давронники, ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Азиза Бегматова (Чеч), Н. Алимов (милиционер). Артистлардан Ж. Ра-

Салим Қорабоев асарнинг яратилиш жараёни ҳақида сўзлаб бериш:

— Пьесани ишлашга Баҳодир Йўлдошев мени тақлиф этганликларини мен учун жуда катта, қувончли бир воқеа бўлди. 1950 йилда Сурхондарёнинг Бойсун туманида туғилганман. 1976 йилда Тошкент театр ва расомчилик институтига тугатган, Термиз шаҳар театрида хизмат қилдим. Асар моҳияти бизнинг вилоятларнинг кишиларини акс



Матбаа

«ЁЗУВЧИ»НИНГ КИТОБЛАРИ

бобида» мутуйбалару масаллар ҳамда «Шеър ва шоирлар» ҳақида турфа ҳикмат ва ҳикоятларни ўқийсиз: «Юсуф ибн Ҳусайн Розий:

— Ҳамма яхшиликлар бир уйда, унинг қалити тавозу ва камтаринлиқдир, ҳамма ёмонликлар бошқа бир уйда, унинг қалити манманлиқдир, — дер эди», деб ёзилади бир ҳикоятда.

Шунингдек, «Шеър ва шоирлар бобида» саҳифасида Рудакий, Дақикий, Имора, Унсурий, Фаррухий, Фирдавсий, Носир Хусрав, Анварий, Низомий, Ҳофиз Шерозий, Хусрав Деҳлавий, Алишер Навоий ва бошқа шоирлар ҳақида аjoyиб маълумотлар билан танишасиз.

ШОИР СОВҒАСИ

Қадим юртга қайтсин қадим наволарим,

Қумлар босиб қуримасин дарёларим.

Алломишга алла айтган момоларим Рухини шод этай десанг — халқ бўл, элим!

Бу қўшиқ оҳанглари юракка қанчалар яқин, қадрдон... Бу шеър, шоир халққа қанчалар яқин, суюкли...

Севишли шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг «Осмонимга олиб кетаман» шеърини тўпламини нашриёт 5 минг нусхада чоп этди.

УЧ КУНЛИК ХУРОЗ

Муҳиддин Дарвешов номини билмаган, унинг ичкакузди хангомалари кириб борман хонадонни топиш жуда қийин бўлса керак.

Тугма истёъод соҳиб Муҳиддин кизик Юсуфжон қизик, Охунжон қизик ва

Теша қизиклардан кейин ўзбек қизикчилик санъатини юксак чўққиларга олиб чиқди ва ўзига хос қизикчилик мактабини яратди!

«Афанди ярим кечаси туриб пайпаслаб юрганмиш? — хотини жеркиб сўрабди.

— Кўзойнагимни.

— Э, қоронғида кўзойнақ тақибга бало борми?

— Қўшимизнинг келини тушимга кирибди. Нимагадир яхши кўринмаяпти. Энди билсам кўзойнагимни олиб қўйиб ухлаган эканман».

Шунга ўхшаш ичкакузди хангомалару ҳажвий қиссани ўқиниш истасангиз, марҳамат, Саид Анварнинг «Уч кун хўроз бўлганми» китобини албатта ўқиб чиқинг. Тўпламини ўқиганда тамомла ўзгача қувноқ бир даврга кириб қолганд бўласиз. Бу тўплам машҳур Юсуф қизикдан сўнг халқ қизикчилиги санъатини қайта жонлантирган фарғоналик машҳур қулги устаси Муҳиддин Дарвешов хотирасига бағишланган.

Назира ЖҲАЕВА.

Алишер САЪДУЛЛАЕВ.
СУРАТЛАРДА: томошадан лавҳалар.
Рашид Галиев олган суратлар.

Адабиёт

МАҲОРАТ
ВА ШИЖОАТ
МАҲСУЛИ

Забардаст шоир ва навоийшунос Барот Бойқобиловнинг ҳазрати Низомиддин Амир Алишер Навоийнинг ҳайратли ҳаёти ва хайрли аъмоли ҳақида яратган «Навоийнома», «Шуқуҳли қарвон», «Нотинч Хуросон», «Сокин Хуросон», «Қонли Хуросон» шеърӣ рӯмонлари) чоркитоби муҳтарам Президентимизнинг Фармони билан 1994 йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофоти билан тақдирланди.

«Навоийнома» адабиётимизда ҳукм суриб келган синфийлик назариясидан чекинб, тарихимизга тўғри ва одил кўз билан ёндошилди, Алишер Навоий ва Хусайн Бойқаро муносабатларини ҳаққоний ёритишга ҳаракат қилинди. Навоийшунос олимларнинг фикрича, муаллиф бу вазифининг урдадан чиқди ва «Навоийнома» чоркитоби шеърӣтимиздаги улкан воқеа деб тан олинди.

Не бахтки, муаллиф яна мозийга қайтиб, хайрли ишга кўл урди ва Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳазратлари сингари буюк зотларга, шавкатли теурийлар салтанати соҳибларига пири муршидлик қилмиш Нақшбандия тариқатининг кутби — Хожа Насириддин Убайдуллоҳ ал-Шошӣ ас-Самарқандӣ — Хожа Аҳрори Валий ҳазратлари хусусида «Навоийнома»нинг бешинчи китоби — «Хайратул-Аҳрор» («Аҳрор ҳайратлари») шеърӣ асарини ёзди. Маълумки, ислом ва тасавуф, Хожа Аҳрор ҳақидаги боблар ўз вақтида баъзи сабаблар туфайли «Навоийнома»га киритилмаган эди. Энди уни муаллиф қайта тиклади ва алоҳида бир китоб қилди. Унда буюк Валийуллоҳ Хожа Аҳрор ҳазратлари яшаган мураккаб даврни, унинг ижтимоий-сиёсий муҳити-

ни, улуғ Эшоннинг ибратли ҳаёти ва савобли аъмолини тасвирлади ва Шўро тузumi даврида илм-фанда, бадий адабиётда ҳақиқатга ҳилоф равишда Хожа Аҳрорга нисбатан тўқиб келинган турли уйдирмаларга барҳам берилди.

Зеро, XV аср — Алишер Навоий ва Хожа Аҳрор асридир.

Мозийга муборак сафар қилган Барот Бойқобилов «Хамса»нинг буюк пирлари Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийнинг кутлуғ аънасини давом эттириб, беш йирик достондан иборат «Янги Хамса»ни яратди. Ҳазрати Алишер Навоийнинг машҳур «Хамса»сидан кейин беш юз йил ўтган юзага келган мазкур асар мустақилликка эришган элу юртимиз ҳаётида, шовён, Ўзбек адабиётида улуғ воқеадир. Маҳорат ва шижоат билан иншо этилган «Янги Хамса» миллий шеърӣтимизнинг аҳойиб ютуғи, маданият ва маънавият ёдгорлиғи сифатида муҳтарам китобхонларга тақдим этилди. Бу нодир асар севимли шоиримизнинг узоқ йиллик ижодий меҳнатининг шарафли маҳсулидир. Шоир орзу қилганидек:

«Янги Хамса»дан ҳам ўтиб замонлар,
Баҳраманд бўлсалар азиз инсонлар!

Мазкур асарни «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти 15.000 нусхада нашр этди. Китобга Жонибек Субҳон ва Рашид Рауф муҳаррирлик қилган, уни Ўзбекистон Республикаси Бадий академиясининг академиги, Ўзбекистон халқ рассоми, Давлат мукофотининг соҳиби, профессор Қутлуғ Баширов беазаган.

Дўконга болали аёл кирди. У майда-чуйда харид қила туриб пештахта ёнида ҳамён солинган халтачасини унутиб қолдириди. Шу тобда ичкаридан чиқиб қолган дўкон мудири Ҳамидулла аканинг кўзи биринчи бўлиб топиламага тушди. У дарҳол аёл орқасидан сотувчини югуртирди. Кўп ўтмай улар дўконга қайтиб киришди.



— Синглим, манави ҳамён сизникими?
Бирдан аёл чўнтақларини тимирскилаб қолди. Халтачасини таниб, оқариб-бўзарди.
— Ичиди қанча пули бор эди, — синашталик учун сў-

ман, турмушларинг оғир. Узоқда ишлайсан. Эрта келиб, кеч қайтасан. Уйинг ёлғиз. Фаоллар билан кенгаши сенга шу яқин ўртадан бир иш топиб қўйдик. Йўқ демасанг бўлгани.
— Олдин эшитай-чи, қан-

Ҳамшаҳарларимиз

ОЛҚИШ ОЛГАН

ради Ҳамидулла ака.

— Хужайинимга костюм-шим оламан, деб йиғиб юрган 8 минг сўм пул, кейин тақинчоқларим...

Аёлнинг гапи тўғри чиқди. Ҳамён эгасига қайтарилди.

— Барака топинг. Болачақаларингизнинг орзу-ҳавасини кўринг, — деди аёл бу олиҳиммат инсонга миннатдорчилик билдириб.

Дейли бутун умрини савдо ишга бағишлаган Ҳамидулла Раҳматуллаев йиллар давомида бунақа дуолардан кўпини олди, кам бўлмади. Турмуш йўлдоши (марҳума) Мунаввар опа билан беш ўғил, олти қизни тарбиялаб вояга етказди. Ҳозир у 35 неварга ва беш эваранинг меҳрибон бобоси.

71 ўшли бобо ҳамон тиниб-тинчимайди. Қарилик таътилга чиққан бўлса-да, уйда бекор ўтирмайди. Ўз севган касбиди, узоқ йиллар давомида уйидек бўлиб қолган бу дўконда мудирилик қилиб, жамоани омилкорлик билан бошқариб келади.

— Оғир йиллар эди, — деб эслайди Ҳамидулла ака. — Тўрт ака-ука ота-онадан эрта етим қолдик. Оилада энг каттаси мен бўлганим учун рўзгорини тебратиш зиммамга тушди. Ўрта мактабни тугатиб ишга кирдим. Топган маошим билан қозонимизни аранг қайнатиб турдим. Кейин укаларим ёнимга қариб қолишди.

Бир кун Ҳамидулла акани маҳалла кўмитаси раиси Махмуд Тўраев ёнига қақариб қолди.

— Менга қара ука, била-

дай экан у, — деб сўради Ҳамидулла ака мулоимлик билан.

— Кўпдан бери дўконимиз сотувчига ёлчимайди. Шу ишни ўз қўлинига олсанг. Ёш, чаққонсан, эплаб кетасан.

Ҳамидулла ака бироз ўйланиб қолди. Махмуд аканинг «Ахир умр бўйи оддий сотувчилик қилмассан, кейинчалик савдо техникамига қариб ўқирсан» деган гапидан сўнг бироз юмшайди.

Йиллар ўтди. Техникумни аъло баҳолар билан битирган Ҳамидулла кўп жойларга ишга тақлиф этилди. Лекин у ўз маҳалласи, ўз дўконини тарк этгиси келмасди. Мана, оранда 40 йил ўтибдики, ҳамон у ўша кадрдон дўконига мудирилик қилиб, харидорлар олқушига сазовор бўлиб келади.

Дўкон хизматидан хурсандми, — дейди харидор Барно Сатторова. — Озиқ-овқат маҳсулотларининг истегадан туридан топилади бу ерда.

— Албатта бу ишларда Ҳамидулла аканинг хизматлари катта, — дейди унинг сўзини қувватлаб ҳозирги энг каттаси мен бўлганим учун рўзгорини тебратиш зиммамга тушди. Ўрта мактабни тугатиб ишга кирдим. Топган маошим билан қозонимизни аранг қайнатиб турдим. Кейин укаларим ёнимга қариб қолишди.

Бир кун Ҳамидулла акани маҳалла кўмитаси раиси Махмуд Тўраев ёнига қақариб қолди.

— Менга қара ука, била-

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

Артур ГРИГОРЯН:

«ҚУЛАЙ ИМКОНияТДАН
УНУМИ ФойДАЛАНДИМ»

Ҳамшаҳаримиз Артур Григорян Бутунжаҳон бокс ташкилоти (ББТ) таснифига кўра профессионал чарм кўлақ усталари ўртасида олти карра жаҳон чемпиони бўлди. Яқинда бизнинг афсонавий боксчимиз Гамбургдан кадрдон Тошкент шаҳрига қайтди ва жон дили билан «Оқшом»га интервью берди.

— Артур, авваламбор сизни навбатдаги галаба билан табриклаймиз.

— Раҳмат.
— Эшитишимизча, Гамбургда сизни яна операция қилишди. Охириги марта операция қилишганга эса беш ой ўтганди. Нима, яна жароҳатландингизми?

— Биринчи марта бу 1987 йилнинг октябрь ойида бўлганди, мени ўнг кўл елка қисмининг мушаклари ва пай томирларининг узилиши ташхиси билан операция қилишганди. Операциядан сўнг маълум муддат мен машгулотларда қатнашмаслигим, қўлимни зўриқтирмаслигим керак эди. Ва мен бу ишни қилмадим. Натижада охириги беллашувимдан сўнг шифокорлар менга 12 та пай томирим узилганлигини билдиришди, зудлик билан қайта операция қилиниши лозимлигини айтишди. Шу тариқа яна бир марта операция столга ётишимга тўғри келди.

— Ўйлаймизки, бундан кейин шифокорлар тавсияларига қатъий риоя қилсангиз керак?

— Албатта, ўз ташаббусим билан икки ойлик «таътил»га чиқдим.

— Охириги беллашувингиз тўғрисида батафсилроқ сўзлаб берсангиз.


— Профессионал рингдаги охириги баҳсини 1998 йил 14 мартда ўтказдим. Менинг рақибим германиялик профессионал боксчи Марко Рудольф эди. Шунинг таъкидлаш кераки, бундан етти йил аввал ҳаваскорлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида мен ўнга финалда ютқазиб қўйгандим. Гарчи шунга аминманки, беллашув тенг ўтган ва мени ҳам ғолиб деб эълон қилишлари мумкин эди. Шу сабабдан менда эски рақибим билан ўша маълумбўй юзасидан ҳисоб-китоб қилишим ва галаба қозонишим учун қулай имконият туғилди. Ва бунинг учун бор куч-маҳоратимни сарфлаганим сабабли бешинчи раундда рақибимни нокдаунга учратдим, олтинчи раундда эса ҳакамлар беллашувни тўхтатишди. Бинобарин, Марко Рудольфга ҳам тан бериш керак, жанг давомида у юқори техникага эга бўлмасада, бироқ ирода кучи, қатъиятлиги бобиди у мендан устунроқ бўлди.

— Бутунжаҳон бокс ташкилоти таснифига кўра жаҳон чемпиони камарига иккинчи бор эга бўлишингиз учун яна нечта беллашувда галаба қозонишингиз керак?

— Ўтти беллашувни ютишим керак. Ҳозирча икки марта галаба қозондим.

— Жаҳон чемпионлигини унвони учун кейинги учрашув қачон ўтказилади ва сизга қарши қайси рақиб рингга тушади?

— Ҳозирча бу ҳақда аниқ айтишим қийин. Ҳар ҳолда баҳс сентябрь-октябрь ойларида ўтказилиши керак, бўл-



ғуси рақибимнинг кимлиги ҳам номаълум.

— Ушбу «жангга» қандай тайёрланаяпсиз?

— Менинг жангга тайёрларлик тартибим шундай: баҳсга икки ҳафта қолганда уйдан чиқиб кетаман ва қатъий кун тартибига тўлалигича риоя қиламан. Устозим Фриц Сдунке мен билан қучайтирилган тартибда шуғуллана бошлайди: кунига беш маҳалдан машгулотлар бўлади, спарринг баҳслари, юғриш, рақиблар баҳслари, видеоёзувларни кўриш (мен рақибимнинг кураш услуби, баҳсини ўтказиш йўллари ўрганаман). Мақсадим — ташқи дунёдан буткул узилган ҳолда ўзимни фақат галабага руҳлантириш. Қолган барча масалаларни эса менинг менежерим Клаус — Петер Коль ҳал қилади. У жуда аҳойиб инсон.

— Сизнинг оилангиз, яқинларингиз ҳақида ҳам билмоқчи эдик.

— Ўйланганман, турмуш ўртоғимнинг исми Ольга. У ҳам худди мен каби Тошкентда, арман оиласида туғилган. Жуда сезгир ва меҳрибон аёл, болаларини севувчи она ва рисоладаги рафиқа. Менинг Арина ва Карина исмли иккита маъсума қизларим бор. Арина биринчи синф ўқувчиси, Карина эса болалар богчасига қатнайдди. Оила аъзоларим мен билан Гамбургда яшаيدди. Ота-онам эса Тошкентда истиқомат қилишди. Айтгандек, мен охириги беллашувимни отамга бағишладим. Бу унинг туғилган кунига совғам бўлди. Бундан ташқари Ашот исмли акам ва Рузана номли сингилларим ҳам бор. Уларни жуда қадрлайман ва яхши кўраман.

— Артур, шон-шухрат миш-мишларни келтириб чиқаради. Афсуски, бу сизни ҳам четлаб ўтмаган. Сиз миш-мишларга қандай муносабатда бўласиз?

— Ёмон муносабатдаман. Ушбу саволни берганингиздан хурсандман. Мен Тошкентга қайтганимда ўзим ҳақимда кўп «янгилик»ларни билб олдим. Чунинчи, Тошкент Отчопари атрофида қашаматли дала ҳовлиларига ва участкаларим борлиғи ҳақида гап-сўзлар юрибди. Айтишларича, менинг машинамни гўмдон қилишган эмиш. Бошқа миш-мишларга қараганда мен профессионал рингга тарк этармишман. Хуллас, шундай ҳар хил бўлмағур гаплар. Ушбу

«маълумот»ларни кимлар қаердан олишини билмадимми бироқ уларнинг бариси беҳуда гаплар. Тошкентда менинг фақат уч хонали квартирам ва «Волга» автоуловим бор, холос.

— Узоқ муддатли танаффусдан сўнг Тошкентга келганингизда нималарни ҳис қиласиз?

— Ҳар гал Тошкентга келар эканман, у тобора чирой очиб бораётганини кўриб шодланаман. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида бўлган бўлсам-да, бу ердаги каби меҳмондўст кишиларни ҳеч қаерда учратмаганман. Яна Гамбургда бизга Ўзбекистоннинг илқ ҳарорати ва сажий қуёши етишмайдди.

— Кишилардаги қандай хислатларни кўпроқ қадрлайсиз?

— Инсонийлик, қалб илқлигини жуда қадрлайман.

— Қандай сифатларни ёқтирмайсиз?

— Ўз фойдасини ўйлаш, таъмагирлики.

— Сизнингча, киши ўз мақсади-га етишиш учун нималар қилиши керак?

— Омад, ўз ишини яхши билиш ва уни пухта бажаришга интилиш.

— Бўш вақтларингизни қандай ўтказасиз?

— Бўш вақтларимни асосан оилам билан ўтказаман. Мусиқа тинглашни ёқтираман. Арман дўмбирасини, чаламан.

— Сиз қизиққонмисиз?

— Ҳа.

— Севган ўйинингиз?

— Нарда.

— Энг яхши кўрган таомингиз?

— Ўзбек палови.

— Сиз ҳавас қиладиган спортчилар борми?

— Холифильд (ББТ таснифи бўйича профессионаллар ўртасида бокс бўйича жаҳон чемпиони) ҳурмат қиламан. У Тайсондек маҳоратли боксчи билан охириги икки беллашувда галаба қозонди. Яна америкалик профессионал боксчи, туртта вази тоифаси бўйича жаҳон чемпиони Оскар де Ляхойни кучли спортчилардан санайман. Ҳозирги кунда у ББТ таснифи бўйича жаҳон чемпиони.

— Сиз ёқтирган қўшиқчилар?

— Улар жуда кўп. Фарб қўшиқчиларидан — Фред Меркьюри, Тони Брекстон, россиялик ашула усталаридан — Ирина Аллергова, Ўзбекистондан — «Ялла» ва Гуля Тилиповаларни жон кўлоғим билан тинглайман. Айниқса, Г. Тилипованинг жуда жозибали ва кучли овози бор.

— Яқин келажакдаги режаларингиз?

— Жаҳон чемпиони унвонини еттинчи марта муносиб ҳимоя қилиш.

— Она шахрингиз Тошкентда қачон «жанг» ўтказасиз?

— Ҳозир бу тўғрида музокаралар кетмоқда. Томонлар менинг Тошкентда ўтказадиган «жанг»нинг барча деталларини ишлаб чиқишмоқда. Ҳозирча шунинг айтишим мумкинки, ушбу баҳс тахминан шу йилнинг сентябрь-октябрь ойларида бўлиб ўтади.

— «Оқшом» муштарийларига тиллақларингиз....

— Хонадонларига тинчлик, хотиржамлик, саломатлик, илқилик ва эзгулик ёр бўлсин.

— Анжелика АЙРАПЕТАН суҳбатлашди.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ОТ «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» АЖ кузатув кенгаши шунинг маълум қиладики, 26 май 1998 йил соат 10.00 да акциядорларнинг ўлимий йиғилиши ўтказилди.

Мензиллик: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 18-уй, ОТ «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» АЖ мажлислар зали.

Кун тартиби:

1. АЖ Бошқаруви раисининг 1997 молия йили яқунлари ҳақидаги ҳисоботи.
2. АЖ Бошқаруви аъзоларининг ҳисоботи.
3. Аудитор текшируви натижалари. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
4. Дивидендларни тақсимлаш.
5. ОТ «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» АЖ Бошқаруви раисини сайлаш

БАЛАНС

Кўрсаткичларнинг номи	Сальдо (минг сўмда)	
	Актив	Пассив
Асосий воситалар	6439,6	
Номоддий активлар	6734,9	
Узоқ муддатли молиявий қиримлар	576,4	
Ишлаб чиқариш заҳиралари	4424,4	
Келгуси давр сарфлари	138,5	
Ҳисоб рақами	7272,9	
Дебиторлар билан ҳисоблашишлар	86166,7	
Бошқа айланма активлар	19144,8	
Низом капитали		10668,5
Заҳира фонди		1035,9
Ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойда		2326,3
Ҳисобот йилидаги тақсимланмаган фойда		16284,7
Кредиторлар билан ҳисоблашиш		100552,8
Баланс	130868,2	130868,2

Текширув «Прогресс» МЧЖ аудиторлик фирмаси томонидан амалга оширилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 20.07.97 йилда берилган 372-сонли лицензия).

Coca-Cola® Ўзбекистон теннис
командасини Дебис Соврини
мусобақасида эришган
ютуқлари билан
чин юракдан
табриклайди



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан кутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади. Эълонлар шанба ва ақшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон:
133-28-95.

Факс: (3712) 133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ:

МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ,
32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-
208-ХОНАЛАР.

«Нуроний» жамғармаси Шайхонтохур туман бўлими Кенгаши захирадаги полковник, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор **Ғани Авазович РАҲМОНБЕРДИЕВ**нинг вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ
ОҚШОМИ
Toshkent oqshomi

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилими:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95,
132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, горшанба
ва ҳуҷра
кўчалари чиқади.
Нашр юрсаёткичи
209

Нашринг етказиб бериш
масалалари бўйича турар
жойлардаги почта
бўлимларига ёки «Тош-
кент почтаси»га 133-74-05
телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.